


ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



# 2022

# IYUN

# №41



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.



+998 97 420 88 81



+998 94 404 00 00

[www.taqiqot.uz](http://www.taqiqot.uz)



[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)

**БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ СОҲАСИДАГИ  
ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР**

<b>1. Hamidova Guli Komilovna, Ikromova Feruza Isrofilovna</b> REPRODUKTIV SALOMATLIK.....	7
<b>2. Odiliva Maftuna Dilmurodovna, Hamidova Dilfuza Ilhomovna</b> SOG'LIQNI SAQLASHDA TELEMEDITSINANING O'RNI.....	9
<b>3. Азизова Ф.Х., Аллаберганов Д.Ш., Назаров Б.С.</b> ТАЖРИБАВИЙ ГИПОТИРЕОЗ ЧАҚИРИЛГАН ОНА КАЛАМУШЛАРДАН ТУҒИЛГАН АВЛОДДА ЁНБОШ ИЧАК ШИЛЛИҚ ҚАВАТЛАРИДАГИ ЛИМФОИД ТУЗИЛМАЛАРНИНГ ПОСТНАТАЛ РИВОЖЛАНИШИ.....	11
<b>4. Khasanova Shakhnoza Alisherovna, Tajiev Botir Mirkhashimovich</b> SIGNS OF ELEMENTS, CLINICAL CASE OF COVID-19 IN PATIENTS WITH DIABETES MELLITUS.....	13
<b>5. G'iyosova Sevara Frunze qizi, Babadjanova Turkon Musaevna</b> GISTOLOGIYA: KO'RSATMASI, QANDAY AMALGA OSHIRILISHI, BOSQICHLARI.....	14



UO'K: 612.017.1:616.441-008.64-092.4

**ТАЖРИБАВИЙ ГИПОТИРЕОЗ ЧАҚИРИЛГАН ОНА КАЛАМУШЛАРДАН  
ТУҒИЛГАН АВЛОДДА ЁНБОШ ИЧАК ШИЛЛИҚ ҚАВАТЛАРИДАГИ ЛИМФОИД  
ТУЗИЛМАЛАРНИНГ ПОСТНАТАЛ РИВОЖЛАНИШИ**

**Азизова Ф.Х.  
Аллаберганов Д.Ш.  
Назаров Б.С.**

Тошкент тиббиёт академияси  
Азизова Феруза Хусановна +998946191204  
Аллаберганов Дилшод Шавкатович +998909347225  
Назаров Ботирбек Саидмурод ўғли+998999167496  
e-mail: afh1965@mail.ru  
e-mail: dilshodbek9347225@mail.ru  
e-mail: patomorfolog96@mail.ru

**Аннотация:** Ёнбош ичак иммун тизимнинг периферик аъзоси сифатида организмнинг барча инфекцион касалликларида бевосита иштирок этади. Ёнбош ичак эмбрионал ривожланишида Пейер пилакчалари (МАЛТ-тузилмалари) шиллиқ қаватнинг юзаси билан бир хил текисликда бўлиб, ҳали тўла шаклланмаганлиги билан тавсифланади.

**Калит сўзлар:** ёнбош ичак, постнатал онтогенез, лимфоид тўқима, морфометрия, эмбрионал ривожланиш.

Периферик лимфоид аъзолардан бири бўлган ёнбош ичак шиллиқ қаватларида жойлашган уюшган лимфоид хужайралар уюшмаси (МАЛТ) тўқимада морфологик текширувлар ўтказишнинг ўзига хослиги, гипотериоз бўлган она каламушлардан туғилган авлодларда, аксарият ички аъзоларнинг ривожланишдан орқада қолиши, жумладан шиллиқ қават тузилмаларининг тўла тўқис шаклланмаганлиги, ичак сўрғичлари баландлигининг меъёрий кўрсаткичлардан паст бўлиши, шу билан бирга МАЛТ- тузилмалари деярли аниқланмаслиги, ички аъзолари тизимли гипофункционал ҳолатда бўлиши билан характерланади.

**Ишнинг мақсади.** Тажрибада гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган авлод ёнбош ичагидаги Пейер пилакчаларининг морфофункционал майдонларини ўзига хос ўзгаришлари ва морфометрик кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқот объекти ва предмети:** Тадқиқот объекти сифатида жами 24 та 150-180гр оғирликдаги каламушлардан дунёга келган 7,14,21,30 кунлик каламуш болаларининг ёнбош ичаги олинди. Олинган ёнбош ичак Пейер пилакчаларининг постнатал ривожланишдаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлари таҳлил қилинди.

**Олинган натижалар:** Морфологик текшириш натижаларининг кўрсатишича, 7-кунлик авлодда ёнбош ичак Пейер пилакчалари меъёрий кўринишдан тубдан фарқ қилиб, уларда лимфоид фолликулаларнинг деярли шаклланмаганлиги, шу соҳада оралиқ модданинг кўпайганлиги, В-га тобе соҳасида лимфоцитлар миқдорининг камайганлиги, яланғочланган стромада сийрак толали тузилмаларнинг кўпайиши, мукоид бўкиш каби ўзгаришлар қайд этилди. 14 кунлик авлод ёнбош ичаги Пейер пилакчалари тузилмаларининг нисбатан шаклланганлиги, лимфоид фолликулалар оралиғида кўплаб ретикулоцитларнинг мавжудлиги, ретикулоцитоз ва сийрак толали тузилмаларнинг ривожланиши билан характерланди. Ҳаттоки, 21 кунлик авлод Пейер пилакчаларида ҳам структур-функционал зоналарнинг тўлиқ шаклланмаганлиги қайд этилди, ваҳоланки ушбу муддатда соғлом оналардан туғилган авлодда Пейер Пилакчалари яққол ривожланган фолликулалар (В-га тобе), фолликулалараро (Т-га тобе) зоналарнингш дифференциаллашганлиги, айрим фолликулаларда кўпайиш марказларининг мавжудлиги билан ажралиб турди.

**Хулоса:** Гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган авлодда ёнбош ичак шиллиқ қаватидаги лимфоид тузилмалар постнатал ривожланишнинг орқада қолиши, структур-функционал соҳаларининг тўлиқ такомил топмаганлиги билан тавсифланди.





**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдрешов С. Н. Состояние адренергического иннервационного аппарата щитовидной железы, кровеносных и лимфатических сосудов и лимфатических узлов в период коррекции гипотиреоза / С. Н. Абдрешов, Г. А. Демченко, А. Т. Маматаева [и др.] // Бюллетень экспериментальной биологии и медицины. – 2021. – Т. 171. – № 2. – С. 253-258.
2. Абдукаримова Н. У. Морфометрическая характеристика лимфоидных узелков (пейеровых бляшек) тонкой кишки в онтогенезе / Н. У. Абдукаримова, Х. А. Ганиева, Г. М. Сафарова, Е. Г. Муйдинова // Universum: медицина и фармакология. – 2020. – № 2-3(66). – С. 20-25.
3. Азизова Ф. Х. Постнатальный морфогенез иммунных органов у потомства, полученного в условиях экспериментального гипотиреоза у матери / Ф. Х. Азизова, Н. К. Тухтаев, С. Х. Ишанджанова [и др.] // Морфология. – 2016. – Т. 149. – № 3. – С. 10-10а.
4. Азизова Ф.Х. Применение инновационных методов для изучения постнатального морфогенеза иммунных органов в условиях гипотиреоза/Ф.Х. Азизова, С.Н.Тухтаев, С.Х. Ишанджанова, С.А. Хаитбаев //Роль инновационных технологий в медицинском образовательном процессе фундаментальных дисциплин и клинической медицины: матер. междунар. научно-практич. конф.- Самарканд, 2021. – С.10-11.
5. Азизова Ф.Х., Отажанова А.Н., Ишанджанова С.Х. Структурные особенности реакции иммунной системы тонкой кишки на антигенное воздействие в различные периоды постнатального онтогенеза // Современная биология: Актуальные вопросы: Междунар. науч.-практ. конф. – СПб, 2014. – С. 11
6. Байматов В.Н., Тропская Н.С. Морфофункциональные изменения в слизистой оболочке тонкой кишки при экспериментальном циррозе печени // Морфология. -2019. - № 3. - С.23-25
7. Байматов В.Н., Тропская Н.С. Морфофункциональные изменения в слизистой оболочке тонкой кишки при экспериментальном циррозе печени // Морфология. -2019. - №». - С.23-25.